

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Гидропоника

ХАРАЖАТ КАМ, ҲОСИЛ МҮЛ

Республика Президентининг "Корея Республикаси ҳукуматининг грант маблағларини жалб этган ҳолда "Ўзбекистонда намунавий иссиқхоналарни барпо этиш" лойиҳасини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Қарори мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга замонавий технологияларни жалб қилиш ҳамда Корея ва Ўзбекистон ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни яна-

да ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Қарор доирасида 4 миллион АҚШ долларлик грант ҳисобига KOICA халқаро ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан вилоятимизнинг Зангиота, Юқори Чирчиқ ва Қибрай туманларида замонавий иссиқхоналар барпо этилиб, гидропоника усулида қучат ва помидор маҳсулоти етиштирилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Вилоят адлия бошқармасида ёшларни суд органлари тизими фаолияти билан яқиндан таништиришга бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Вилоят жиноят, фуқаролик ва хўжалик судларининг судьялари, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси-

да билдирилган фикр-мулоҳазалар, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, судларнинг мустақиллиги ва эркинлигининг ишончли бўйичасини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар самаралари хусусида сўз юритилди.

Бундай тадбирлар ёшларнинг ҳуқуқий би-

лимини юксалтириш, сиёсий жараёнларга мустақил ва оғли муносабатини, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга хизмат қилмоқда, дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси О. Худойбердиев. Хусусан, сўнгги йилларда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар билан яқиндан таништириш имконини бераётди.

Х. САЛИМОВ, ЎЗА мухбири.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ТАРОМУШ» ҚУРГАН, ФАРОМУШ ҚИЛГАН»

Газетанинг шу йил 6 ноябрь (№ 89) сонидан юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақолада Оққўрғон туманидаги 25-болалар мусиқа ва санъат мактаби биносини "Tagomush" хусусий фирмаси ўтган йили қуриб битказиб, анчагина камчилик ва нуқсонлари билан фойдаланишга топшириб юборгани, орадан бир йил ўтганига қарамай, мавжуд камчиликлар бартараф этил-

маётгани далиллар асосида танқид қилинган эди.

Тахририят ушбу танқидий мақола юзасидан мусиқа ва санъат мактаби директори вазифини бажарувчи Ш. Бобоев имзоси билан жавоб хати олди. Маълум қилинишича, мақола босилиб чиққач, "Tagomush" хусусий фирмаси газетанинг кўрсатиб ўтилган барча камчиликларни бартараф этган.

Мавзуга қайтиб

МУАММО ҲАМОН ЕЧИМСИЗ...

Газетамизнинг шу йил 9 октябрь сонидан "Бино битта, ташвиши мингта" сарлавҳали мақола чоп этилган. Унда Бўка туманидаги 19-болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилишида хато ва камчиликларга йўл қўйилгани тилга олинган.

Яқинда тахририятга мактаб раҳбари Ўқтам Раҳматиллаевдан хат келди. Унда ёзилишича, вилоят "Ягона буюртмачи" хизмати инжиниринг компанияси раиси А. Назаров вилоят халқ таълими бошқармаси, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, туман ҳокимлиги ва мактабнинг ўзига бинони "Машхур" масъулияти чекланган жамияти қуриб, охирига етказгани, маъмурият бинони фойдаланишга топшириш далолатномасини тасдиқлагани, лекин бир йил ўтганига қарамай, авизо ҳужжатлари расмийлаштирилмагани хусусидаги хат билан чиққан А. Назаровнинг ёзишича, компания бир неча бор мурожаат қил-

ганига қарамай, масала ечилимаётган экан.

"Лекин буни инкор қиламан. Чунки мен бу ҳужжатларни тасдиқламаганман. Мактабнинг барча камчиликларини ҳам ёзма, ҳам оғзаки равишда қурилиш бошқармасига етказганман. Лекин улар эртага, деб ҳануз бизни ишонтириб келишяпти" дейилади Ўқтам Раҳматиллаев мақбуда.

Куриниб турибдики, бинони мактаб балансига ўтказиш ҳануз муаллақлигича қолмоқда.

Фикримизча, мактаб бино ҳужжатларини расмийлаштириши ва тасарруфга олишдан олдин қурувчилар нуқсон ва камчиликларни бартараф этишлари керак.

Хуршида НАЗАРОВА.

ОИТС аср вабоси

Зангиота туман қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи вилоят ОИТСга қарши кураш маркази билан ҳамкорликда "Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ОИТС ва гиёҳвандликнинг олдини олиш" мавзусида учрашув ўтказди.

ҲОЙДАЛИ МАСЛАҲАТ ОЛИШДИ

Тадбирда сўзга чиққанлар ОИТС касаллигининг сабаблари, юқши йўллари, касалликнинг киши жисмида кетиши, унинг олдини олиш, сақланиш чоралари, гиёҳвандликнинг оғир асоратлари тўғрисида гапирдилар. Шунингдек, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, гиёҳвандлик, қашандлик, ичкилик-бозлик каби иллатларнинг зарарли оқибатларини мунтазам тушунириб бориш ҳар бир педагог ходимнинг муҳим вазифаси экани таъкидланди.

Тадбир нихосида республика ОИТСга қарши кураш маркази ишлаб чиққан "ОИВ инфекцияси тўғрисида биласизми?" номли 5 та буклет коллеж жамоасига совға қилинди. Маҳаммадомон ДАМИНОВ.

УМРИМИЗ ЗАВОЛ КЎРМАСИН

Одамзотнинг жони тошдан қаттиқ, қилдан нозик дейишади. Яна инсон умрига "қошу қабоқ орасида", яъни "омонат" дея таъриф беришади. Демак уни асраш, авайлаш оқилу доноларнинг иши. Зеро, тирикликнинг кушандалари ҳам борки, улар ҳар қадамда учраб туради.

Оммавий маданият, гиёҳвандлик ва ОИТС – тирикликка хавф, тараққийёт илдизига болта ураётгани бор гап. Бу иллатларга қарши курашиш, олдини олиш ҳозирги куннинг устувор вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ҳамкор ташкилотлар билан бирга уюштирилган чора-тадбирлар шу йўлдаги хайрли саъй-ҳаракатлардан. Яқинда республика ОАВ ходимлари учун ўтказилган ўқув-семинари айнан инсон

ҳаётига хавф солаётган иллатларнинг олдини олишга қаратилди. Семинардан мақсад аввало ОИВ, ОИТС каби касалликларнинг табиатини тушунириш, унга қарши курашишда ОАВ ходимлари фаолигини ошириш эди...

Уч кун давом этган семинарда таъкидланганидек, одамзот ҳар қандай касалликка қарши курашишга қодир. Қачонки, унинг келиб чиқиш сабабларини вақтида англаб, олдини олиш чораларини кўрса.

(Давоми 3-бетда).

2014 йил – Соғлом бола йили

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан кириб келаётган 2014 йилга мамлакатимизда «Соғлом бола йили» деб ном берилди. Ўзбек халқининг барча орзу-ҳаваслари, ҳаётининг мазмунини фарзандлари билан боғлиқ, десак янглишмаймиз. Юртимиздаги исталган одамдан энг олий мақсадингиз нима, деб сўранг, шубҳа йўқки, болаларимизнинг бахту саодатини, камолини кўриш, деб жавоб беради.

ФАРЗАНДИМ МЕНДАН ҲАМ БАХТЛИ БЎЛСИН ДЕЙДИ БУ ЭЛ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йилларидан аҳоли саломатлигини мустақамлаш, миллат генофондини соғломлаштириш, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт, деган даъват умуммиллий широрга айланди. Мустақил давлатимизнинг илк ордени "Соғлом авлод учун" деб номланганда ҳам ана шундай ҳикмат бор.



Ўтган йиллар давомида бу олижаноб мақсад йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом улғайиши учун шароит яратиш йўлида катта куч ва маблағлар йўналтирилди. Аналиқ ва болаликни муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, таълим тизимини такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби соҳалардаги изчил ислохотлар бир-бирини тўлдириб, узвий тизим шаклини олди. Бугун замонавий тиббий марказлар, таълим муассасалари, спорт иншоотлари ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Соғлом она – соғлом бола" концепцияси асосида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар репродуктив саломатликни мустақамлаш, соғлом оилани шакллантириш, ирсий касалликларнинг олдини олишда муҳим омили бўлмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган замонавий скрининг марказлари, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Репродуктив саломатлик маркази, уларнинг минтақавий филиалларида оналар ва чақалоқларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Еш авлодини комил инсонлар этиб тарбиялаш, жамиятда соғлом мухитни қарор топтиришнинг асосий воситаси сифатида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча ҳудудларда, хусусан, чекка қишлоқларда ҳам бунёд этилаётган замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустақамламоқда.

Эътиборлики, бу жараён таълим-тарбия тизими билан мутаносиб равишда олиб борилаётган.

Бу борадаги кенг кўламли саъй-ҳаракатлар самараси фарзандларимизнинг саломатлигида, жисмоний кўрсаткичларида ҳам намоён бўлмоқда. Болаларимиз ўртасида ўткир респиратор вирусли инфекциялар, пневмония, бронхит, сколиоз билан касалланиш ҳолатлари кескин камаймоқда.

14 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида вазн кўрсаткичи 43 килограммдан 47 килограммга, қизларда эса 44 килограммдан 48 килограммга ортган. Болаларнинг бўйи ўлчаларида ўртача 3 сантиметрга, қизлар ўртасида эса 2,9 сантиметрга ўсган. Ҳозирги вақтда 92 фоиз ўғил-қизнинг вазни ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан Соғлом бола йили деб эълон қилинган 2014 йилга бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, соғлом бола – аввало соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир. Биз оилани ҳаёт давомидаги таъминлайдиган, келажак насллар тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, одамийлик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади.

Мамлакатимизда оила институтини мустақамлаш, унинг жамият ҳаёти ва ёш авлод тарбиясидаги аҳамиятини ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган. Хусусан, Конституцияимизнинг алоҳида бобида оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгиланган. Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари, бошқа қонун ҳужжатларида оиланинг муносабатлар ўз ифодасини топади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан эълон қилинган "Оила йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Она ва бола йили", "Сиҳат-саломатлик йили", "Ёшлар йили", "Баркамол авлод йили", "Мустақам оила йили" муносабати билан қабул қилинган давлат дастурлари ўзаро узвийлик касб этиб, уларнинг амалга оширилиши самарасида оилаларнинг иқтисодий ва маънавий асослари янада мустақамланди.

Оила кўрғонининг чиройи аёлдир. Соғлом боланинг туғилиши ва ақл-заковатли, юксак маънавиятли бўлиб улғайишида оналарнинг ўрни беқисс. Бунинг учун аввало аёлнинг ўзи соғлом, илму маърифатли ва ортиқча ташвишлардан холи бўлиши зарур. Шу боис мамлакатимизда хотин-қиз-

лар саломатлигини мустақамлаш, рўзгор юмушларини енгиллаштириш, турмуш шароитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

...Яқинда хориз матбуотида шундай мақола чоп этилди. Унда ҳикоя қилинишича, узокроқ қишлоқлардан бирида яшовчи ҳомилдор аёлнинг ўрмонда кўзи ёрибди. Гап шундаки, бу қишлоққа энг яқин тиббиёт пункти 25 километр наридаги посёлкада бўлиб, у ерга транспорт қатнамас экан. Одамлар, жумладан, ҳомилдор аёллар ҳам тиббий кўриққа ўрмон орқали пиёда бориб-келаркан. Шунда йўл анча қисқариб, 10 километрни ташкил этар экан!

Шундай катновларнинг бирида, ўрмоннинг ўртасига борганда боғги ҳомилдор аёлни дард тутди. Ёнида эридан бошқа ҳеч ким йўқ. Уйга қайтишни ҳам, шифохонага боришни ҳам билмайди. Шу аҳволда, шу шароитда бола дунёга келди.

Мамлакатимизда аёлларга эътибор, улар учун яратилган шарт-шароитлар бутунлай бошқача. Барча ҳудудлардаги қишлоқ врачлик пунктлари, вилоят кўп тармоқли шифохоналари, перинатал ва скрининг марказлари, гинекология ва туғуруқхона мажмуаларида аёлларга малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Усмир қизлар ва туғиш ёшидаги аёллар бепул тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Уларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга доир маърифий ишлар изчиллик билан олиб борилаётган.

Одам боласининг ўзи, ўзоғлигига эътиборисизлиги, қолаверса, носоғлом муҳит фарзандларнинг жисмоний ва маънавий тарбиясига путур етказди.

Азалдан халқимиз ўз насл-насабининг соғлом бўлишига доим эътибор берган. Ўғил уйланишга ёки қиз чиқаришдан олдин бўлғуси келин ёхуд кувенинг етти пуштини суриштиришган. Наслнинг тозаллиги, авлодининг соғлом ва баркамоллиги кўп жиҳатдан ана шу ёшларнинг саломатлигига боғлиқ эканлигини яхши англаган. Соҳибқирон Амир Темури даврида бу масалаларга катта эътибор қаратилган.

Ана шу эзгу аъёнларимизга ҳамоҳанг тарзда мамлакатимизда бўлғуси келин-куёвлари никоҳдан аввал тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби жорий қилинган.

Президентимиз ўз маърузасида келгуси авлодлар тақдирига бевосита дахлдор бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, она-оналар ва тиббиёт ходимларининг бу борадаги масъулиятини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, халқимизда касални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал, деган нақл бор. Дейлик, касалдан бир боланинг соғлигини тиклаш учун қанчадан-қанча маблаг, вақт ва асаб кетади. Аввало, бундан ота-онанинг ўзи азоб чекади, қолаверса, қариндosh-уруғ, дўсту биродарларни ҳам ташвишга солади. Бундай ҳолатлар кўпайгани сайин жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларига путур етиб, турли ижтимоий-иқтисодий муаммолар келиб чиқади.

Агар ҳар бир одам ўзи ва фарзандлари соғлиги ҳақида ўз вақтида қайғурса, бутун жамиятда шундай муҳит шаклланса, бу муаммолар ўз-ўзидан барҳам топади.

Соғлом авлодни тарбиялаш – узулқисс жараён. Бу кенг микёсдаги қўлдан-қўл вазибаларни бажаришни, ҳар бир инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятдан доимий эътибор ва масъулиятни талаб қилади. Бу борада, айниқса, соғлиқни сақлаш ва таълим-тарбия тизими, маҳалла ва ижтимоий тузилмалар алоҳида ўрин тутди. Давлатимиз раҳбарининг маърузасида ҳам ушбу соҳалар олдидаги муҳим вазифалар кўйилди.

Ҳар қандай жамият соғлом ва баркамол, эл-юртига садоқатли, имон-этиқодли фарзандлари билан фархланади, уларга суянади. Шундай фазилатларга эга авлод тарбиялаб вояга етказган халқ келажакка катта ишонч билан қарайди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Соғлом бола йилида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Анвар САМАДОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

ОИТС аср вабоси

УМРИМИЗ ЗАВОЛ КЎРМАСИН

Хозирги кунда дунёни ташвишга солаётган ОИТС – орттирилган иммун танқислиги синдроми келтириб чиқарадиган вирус одам танасида узоқ йилларгача, ҳатто музлатилган ҳолда 10 йилгача яшashi мумкин. Тўғри, одам ОИТСдан ўлмайди, лекин у чакирган саратон, ўпка сили, жигар циррози каби хасталиклар ҳаёт учун хавфли. Шунинг учун бу касалликка

ушбу касаллик тарқалишига йўл очиб берувчи биринчи сабаб. Демак, унга қарши курашиш учун аввало, четга чиқиш-келишни қатъий назоратга олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, бунда аввало аёллар, хотин-қизлар, "Маҳалла", "Камолот" каби жамоат ташкилотлари ҳамкорликда иш олиб боришлари зарур.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбир




МЕҲРГА ТАШНА КЎНГИЛЛАР

Инсонпарварлик тамойиллари устувор мамлакатимизда ҳар бир фуқаро ҳуқуқ ва манфаатлари давлат ҳимоясида экани Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. Иجتимой ҳимояга муҳтожлар, айниқса, ногиронларга муносбат кундалик саяё-ҳаракатларимиз асоси экани бежиз эмас.

Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти вилоят бошқаруви ташкил этилганининг 75 йиллиги, Халқаро кўзи ожизлар кўни, Халқаро ногиронларни химоя қилиш кўни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти вилоят бошқаруви тизимидаги шаҳар-туман ташкилотлари аъзолари, фахрийлар, жамият фаоллари ва бошқа меҳмонлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ногирон ва кўзи ожизлар



ГУРУР ВА ИФТИХОРИМИЗ

Ангрндаги 14-умумтаълим мактабида Ўзбекистон Конституциясининг 21 йиллиги муносабати билан "Конституция – гурур ва ифтихоримиз" мавзусида тадбир ўтказилди.

Фуқаролик жамияти ривожини мониторинг қилиш мустақил институти, Ангрн шаҳар ҳокимлиги, вилоят давлат педагогика институти вакиллари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда "Конституция – ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати", "Конституциямизда миллий қадрият ва миллатлараро тотувлик ифодаси" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Мактаб ўқувчилари тадбир учун махсус тайёрлаган шеърхонлик соатидан сўнг улратда расм ва иншоолар танлови ўтказилди. Иккунчи ишлари юксак баҳога сазовор бўлганлар рағбатлантирилиб, эсдалик совғалари топширилди.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги

ҲАР КУНИМИЗ БЕХАВОТИР ЎТСИН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори талаблари асосида ўтказилаётган ёнгин хавфсизлиги ойлиги даврида Зангиота тумани ИИБ ёнгин хавфсизлиги бўлими туман газ корхонаси билан ҳамкорликда иситиш печлари ва газ ускуналаридан чиқши

мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла, корхона ва уй-жой ширкатлари, мактаб ва ўрта махсус ўқув юртларида учрашувлар ўтказмоқда, плакат ва эслатмалар тайёрлаб, аҳолига тарқатмоқда, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилмоқда.

– газ мосламаларига реина шланглар улаб, бошқа мақсадларда фойдаланманг;
– агар газ ёки иситиш мосламаларини ўрнатмоқчи бўлсангиз, газлаштириш идоралари ходимларидан рухсат олиб, мутахассис ёлланг.
Оловдан эҳтиёткорлик

билан ва тўғри фойдаланиш ўз кўлимизда. Ҳамма вақт сергак ва хушёр бўлсак, ёнгиннинг олдини олиш қоидаларига риоя этсак, лоқайдликка чек қўйсак, ҳар кунимиз тинч ва осуда ўтади.

Жамшид ҲАКИМОВ, Зангиота тумани ИИБ ЁХБ инспектори.

Бирок, узлуксиз огоҳлантиришларга, тинимсиз тушунтириш ишлари олиб борилаётганига қарамай, жойларда ёнгинлар содир бўлиб, катта моддий ва маънавий зарар етказилаётгани ачинарлидир. Шу йилнинг 10 ой якунига кўра, туманимизда 199 та ёнгин қайд этилиб, шундан 129 таси фуқаролар хонадонидан юз берди. Оқибатда 3 фуқаро ҳалок бўлди ва 14 фуқаро тан жароҳати олди.

Ёнгин билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалардан сақланиш, олдини олиш мақсадида фуқароларимизни яна бир бор огоҳлантирмоқчимиз:
– газ асбоб-ускуналаридан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя қилинг;
– газ печлари нуқсонсиз ишлашини мунтазам назорат қилиб туринг;
– газ мосламаларидан фойдаланишни ёш болаларга ишончи топширманг;
– газ плиталаридан хонани иситиш мақсадида фойдаланманг;
– газ ёнаётган хонани тез-тез шамоллатиб туринг;
– газ ҳидини сезсангиз, учкун чиқарувчи мосламаларни (чироқчи ёқувчи мослама, телевизор ва х.к.) ёқманг. Ойла аъзоларини хонадан чиқариб, дераза ва эшикларни очиб, хонани

шамоллатиб, дарҳол кўшни хонадондан (хавфсиз жойдан) газ идораларига хабар беринг;



Олмалик шаҳар ёнгин хавфсизлиги бўлими ёнгин хавфсизлиги ойлиги давомида 16 турдаги эслатмалардан 25,8 минг дона тайёрлаб, маҳалла, кўп қаватли уйлар, мактаб, боғча, лицей, коллеж, корхона ва ташкилотларга тарқатди. Кўринарли жойларга 56 та баннер ва паннолар осилди.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ИЛЛАТГА ЙЎЛ ЙЎҚ

Вилоят ОИТСга қарши кураш маркази ва Аграр университет маънавият ва маърифат бўлими ҳамкорлигида ОИТС ва унинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда ОИТСга қарши кураш маркази мутахассислари, университет талаба ва ўқитувчилари иштирок этди. Суҳбат қизгин баҳс-мунозара тарзида ўтди. Тинглочив ва талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.


Саида РАҲМОНОВА.

ФОЖИА ЮЗ БЕРМАСИН ДЕСАНГИЗ...

Мана, Обод турмуш йили охираб, янги 2014 - Соғлом бола йили кириб келмоқда. Албатта, ҳар бир хонадон соҳиби ушбу айёмни тўкин дастурхон атрофида, оила аъзолари, ёру дўстлари билан кўтаринки кайфиятда кутиб олиш ҳаракатида бўлади. Уй бекалари газ плитаси атрофида парвона бўлишлари табиий ҳол. Лекин шу ўринда таъкиллаш лозимки, газдан фойдаланиш қоидаларига амал қилмаслик, турли асбобларни газ тармоғига ўзбошимчалик билан улаш, резина ичкалардан фойдаланиш, иситиш печлари ва иссиқлик қозонлари дубуронларига эътиборсизлик захарланиш, ёнгин, газ-ҳаво аралашмасининг портлаши каби кўнгилсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин.



Дубуронли газ асбобларидан фойдаланувчи ҳамшаҳарларимизга аввало шуни айтиш лозимки, иситиш печлари, иситиш ва сув иситиш қозонлари дубуронлари, шамоллатиш йўлларининг соғлигини назорат қилиш ва газ асбобларни хавфсиз ишлатиш хонадон эгалари ёки ушбу хонадондан фойдаланувчилар зиммасида бўлиши эксплуатация қилиш қоидаларининг қатор бандларида кўрсатилган. Шунингдек, газ асбоблари, дубуронлари соғлиги ҳақидаги далолатномани ҳар йили иситиш мавсуми бошлангунга қадаар газ хўжалиги идорасига топшириш уй, корхона ва умумий бинолар эгаларига, хусусий уйларда эса хонадон соҳиблари зиммасига юклатилган. Истеъмолчиларга қулайлик яратиш мақсадида дубурон ва шамоллатиш йўлларини текширувчи ходимлар хонадонларга бориб, далолатнома тузиб, туман газ идораларига топширадилар. Шахсий гувоҳнома билан текширувчи ташкилот ходимлари аввало дубурон ва шамоллатиш йўллари соғлигини аниқлаб, далолатнома тузиб, ўзларига қарашли туман



газ идораларига топширадилар. Далолатнома учун ҳақ тўланган чипталар хонадон соҳибларига тақдим этилади.

Агар дубурон ва шамоллатиш йўлларини текшириш мақсадида дубурон ва шамоллатиш йўлларини текширувчи ходимлар хонадонларга бориб, далолатнома тузиб, туман газ идораларига топширадилар. Шахсий гувоҳнома билан текширувчи ташкилот ходимлари аввало дубурон ва шамоллатиш йўллари соғлигини аниқлаб, далолатнома тузиб, ўзларига қарашли туман

газ идораларига топширадилар. Далолатнома учун ҳақ тўланган чипталар хонадон соҳибларига тақдим этилади.

Агар дубурон ва шамоллатиш йўлларини текшириш мақсадида дубурон ва шамоллатиш йўлларини текширувчи ходимлар хонадонларга бориб, далолатнома тузиб, туман газ идораларига топширадилар. Шахсий гувоҳнома билан текширувчи ташкилот ходимлари аввало дубурон ва шамоллатиш йўллари соғлигини аниқлаб, далолатнома тузиб, ўзларига қарашли туман

қонун-қоидаларга амал қилмаслик натижасида келиб чиқадиган нохуш ҳодисаларнинг олдини олишда корхонанинг ходимлари билан биргалликда истеъмолчиларнинг ҳам масъулиятини оширади. Корхона, ташкилот, муассаса, маҳаллаларда ўтказиладиган суҳбат ва мулоқотлар, ҳар бир хонадонда олиб бориладиган тушунтириш ишлари тадбир муваффақиятини таъминлайди.

Табиий газ истеъмолчиларига Янги йилни хуш кайфиятда кутиб олишларини тилаган ҳолда хавфсизлик қоидаларига риоя қилишлари, эътиборсиз ва лоқайд бўлмасликлари лозимлигини яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз.

Азиз истеъмолчилар, табиий ва суюлтирилган газларнинг ҳаво билан аралашмаси портлаш хусусиятига эга. Шу жумладан, табиий ва суюлтирилган газ ҳаво билан тўлиқ аралашмай ёнса, ис гази ажралиб чиқади. Бу эса фожиа билан туғаш мумкин. Шу боис ёқилган газ асбобларини назоратсиз қолдирманг, ёш болаларга газ асбобларидан фойдаланишга рухсат берманг, носоз дубуронли газ асбобларини ишлашманг. Агар хонадон ёки бошқа жойларда газ ҳидини сезсангиз, зудлик билан туман газ хизматларига 04 рақами орқали кўнғироқ қилишни унутманг. Мутахассислар етиб келгунга қадаар газ асбоблари жұргаини беркитинг, хонани шамоллатинг, гургурт ва электр асбобларини ёқманг.

«Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси.

ЭЪЛОНЛАР

"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!
Савдога қўйидаги автотранспорт воситалари (мулклар) кўйилмоқда: 1. Учтепа тумани СИБ томонидан 11.11.2011 й. ижро ҳужжатига асосан 1993 й. и.ч. "Мерседес Бенц" д.р. 10 АР 684. Бошланғич баҳоси – 20 500 614 сўм. 2. Бектемир тумани СИБ томонидан 03.04.2013 й. № 1-222/2013-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. и.ч. "Ваз-21063" д.р. 10 V 527 ГА. Бошланғич баҳоси – 7 013 024,90 сўм. 3. Бектемир тумани СИБ томонидан 18.12.2012 й. № 1-801/12-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и.ч. "Матиз" д.р. 01 156 ТТВ. Бошланғич баҳоси – 15 531 135,30 сўм. 4. Бектемир тумани СИБ томонидан 19.08.2013 й. № 1-390/13-сонли ижро ҳужжатига асосан 2004 й. и.ч. "Матиз" д.р. 01 Р 385 GA. Бошланғич баҳоси – 13 984 000 сўм. Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланмоқда Аукцион савдоси 2014 йил 03 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 5. Бектемир тумани СИБ томонидан 18.12.2012 й. № 1-329-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. и.ч. "Матиз" д.р. 10 S 609 GA. Бошланғич баҳоси – 20 998 524 сўм. 6. Бектемир тумани СИБ томонидан 29.01.2013 й. № 37/13-сонли ижро ҳужжатига асосан 2011 й. и.ч. "Спарк" д.р. 00 Н 021 DA. Бошланғич баҳоси – 32 248 880 сўм. 7. Бектемир тумани СИБ томонидан 04.10.2013 й. № 1-739-сонли ижро ҳужжатига асосан 1998 й. и.ч. "Тико" д.р. 01 Т 680 МА. Бошланғич баҳоси – 10 200 000 сўм. 8. Бектемир тумани СИБ томонидан 22.08.2013 й. № 1-

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!
Савдога қўйидаги кўчмас мулклар кўйилмоқда: 1. Юнусобод тумани СИБ томонидан 10.06.2013 й. № 16855-56/13 - сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 10-мавзё, 18-уй, 36-хонадон. Бошланғич баҳоси 105 706 744 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 03 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 2. Учтепа тумани СИБ томонидан 17.09.2012 й. № 42339/12 - сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, 9-берк Чоштепа кўчасида жойлашган бино. Бошланғич баҳоси 613 551 501 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 17 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланғич баҳоси бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида катнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси (мулк) бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси (мулк) учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "SPARETRA" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улўғбек филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлаш шарт. № 20208000904887905001, МФО 01103, СТИР 301829604. Аукцион қолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кўни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даха, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Гувоҳнома № 004593.

"Ўзвиносаноат-Холдинг" компанияси барча тадбиркорларни компания кооперация-кўргазмасининг доимий ишловчи экспозициясига таклиф этади.
Иш тартиби: дундаба-жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача. Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6. Тел.: 244-39-47, 244-50-54.
Юнусобод тумани ТСРҮИ томонидан 01.03.2006 йилда 001711-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган "SNAVKA-OTABOV" МЧЖга тегишли бўлган бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
ООО "Metrocab" (ИНН 207041643), соҳибсозоб об умменьини уставно фондс с 110 000 000 сўм до 5 000 000 сўм.
Кредиторы могут обратиться в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, массив А. Югнакий, дом-35, кв 44.
Тошкент шаҳри, Олмазор туманидаги 249-умумий ўрта мактаби томонидан 2011 йил 17 июнда Мирсоатов Қобилжон Ахорр ўғлига берилган У № 5213472 сонли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шараҳотнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
"BEST EXCLUSIVE TEX" МЧЖнинг устав жамғармаси 18 700 000 сўмдан 4 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани ҳокимлиги томонидан 2011 йилда 0110007 реестр рақами билан рўйхатга олинган, яқка тартибдаги тадбиркор Сабиров Садриддин Сабитжановичга берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
"ЕСО-DRIP LUX" хусусий корхонасининг ташкилий ҳуқуқий шакли "ЕСО-DRIP LUX" маъмулияти чекланган жамиятига ўтагилини маълум қилади.
Олмазор тумани ТСРҮИ томонидан рўйхатга олинган яқка тартибдаги тадбиркор Мадрохимов Немад Махмудовичга тегишли бўлган дир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
"QUIRILSH NAMDA TA'MIRLASH" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Зангиота тумани, Туркистон ҚФЙ, Балиқчи кўчасида жойлашган "GREEN ORIENTAL PRODUCTS" (ИНН 302635766) МЧЖнинг устав жамғармаси 455 130 000 сўмдан 345 300 000 сўмга камайишини маълум қилади. Тел.: (+99893) 593-02-47.
Чилонзор тумани ТСРҮИ томонидан 2013 йил 28 июнда 008972-08 реестр рақами билан рўйхатга олинган "BEST SERVICE STATION" МЧЖ Шайхонтохур тумани ТСРҮИ томонидан 2011 йил 12 октябрда 005497-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган "AVTO PARTS TRADE GROUP" МЧЖга қўйилишини маълум қилади (асос: 2013 йил 5 декабрдаги баённома қарори).
Давволар эълон қилқан кундан бошлаб Чилонзор тумани, Арнасой кўчаси, 7-уйда қабул қилинади.
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгиндан сақлаш олий техник мактаби томонидан 2004 йилда Абдухаликов Рустам Махмудович номига берилган В № 143615 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Утерннуро круглоу печать выданную на ИП "BERDIEV ERGASH OCHIL O'G'LI", СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ. Тел.: 563-48-70.
ЧП "EKSPERT-BAHO" (ИНН 205267426, ОКПО 19816885, ОКОНХ 84500), расположенное по адресу: г. Ташкент, Яқкасарайский район, ул. Шота Руставели, дом-12, сообщество о преобразовании в ООО "EKSPERT-BAHO".
Правопреемником ЧП "EKSPERT-BAHO" по всем правам и обязательствам является ООО "EKSPERT-BAHO". Тел.: (+99893) 171-42-55.
Яқкасарой туманида рўйхатга олинган "LADIYA" хусусий корхонасининг устав жамғармаси 5 699 839 сўмдан 5 679 639 сўмга камайишини ҳамда корхона устав жамғармаси 20 000 сўм деб белгилашини маълум қилади. Тел.: 350-49-61.
Чилонзор тумани ТСРҮИ томонидан рўйхатга олинган "ZABARDAST MEVEL" МЧЖнинг тасвирлари йиғилиши баённомасига асосан устав жамғармаси 145 154 033 сўмдан 114 298 500 сўмга камайишини маълум қилади.

Таржима ва унинг тақдироти

ХАМСАНАВИСЛАР ЭЪТИРОФИ

Инсон руҳияти доғишданми ёзувчи Дэйл Карнегининг: "Хар бир киши юрагининг тибда ўзи рўйга чиқарган солик амалининг арзирли тарада эътироф этилиши ис...

таги ётиши" ҳақидаги фикрини эслаш ҳаммаша ўринли кўринади. Инсофли ҳар бир инсон буни маъқуллаши аниқ ва бу фикр ҳеч кимда эътироз тугдирмас керак.

Шунинг учун Шарқ адабиётининг гултожи бўлган хамсанавислик моҳият эътибори билан унинг тамал тошини кўйган Низомий Ганжавий ижодини ҳар қанча улугласак ўринлидир. Бунга Амир Хусрав Деҳлавий, Шайх Абдул Раҳмон Жомий, адабиётимиз бобоқалони ҳазрат Алишер Навоий ва бошқа хамсанавислар эътирофотлари гувоҳдир. "Хайратли абзор" даги: "Хазрати Шайх Низомий мадҳидеким, назм мулкда эърозу бозу сарпанжаси била ганж нуқдул жаҳоирин олди ва Амир Хусрав таърифидеким, бу жаҳоир ва нуқдул тамаъидин панжа анинг панжасига солди", деб бошланувчи XII боби фикримизга аққол далилдор. Зеро, Низомий Ганжавий шахсияти таърифиди: "Ганжа кўёшики кўтаргач алам, Айлади сўз мамлакатин яққалам", дея уни кўёшга менгазаган

Алишер Навоийдан ўтказиб тавсиф этолмас киши. Шарқ адабиёти даргаларининг хамсанавислик анъанаси инсон турғунча тураверади, тиллардан тилларга ўгирилаверади. Мана, қўлимизда Низомий Ганжавий "Панж ганжи"нинг аввали "Маҳзаул асрор" бугунги ўзбек адабий тилида барқ уриб турибди. 200 саҳифада 2000 дан ортқ байт (тўрт ярим мингга ақин мисрада) битилган бу асарда тарих хикояти ва достонлар, турли мавзулардаги маънавий ўғитлар жой олган. Таржима ҳақида, айтиш мумкинки, агар Низомий Ганжавий ҳазратлари ўз асарини туркийда битсалар, асар таржимони Олимжон Бўриев тақдим этган вариантдан ҳам фарқ қилган бўлармиди, дегинг келадди. Таржимон ҳақида академик Азизхон Қаюмов: "Мен Олимжон Бўриевнинг Низомий "Хамса"си бўйича яратган шеърий таржималарини юксак малакали, талантли, меҳнатсевар шоирнинг катта ютуғи деб ҳисоблайман," дея таъкидлаганлар. Зеро, Ҳазрат Алишер Навоий "Фарҳод ва Ширин" да айтганларидек: "Эмас осон бу майдон ичра турмоқ, Низомий панжасига панжа турмоқ... Керак шер оллади ҳам, шер жанги, Агар шер ўлмас, бори пананги." Бугунги кунда "Маҳзаул асрор" дек йирик назмий асарини ўзбек тилига ўгиришга етарли тажриба, лаёқат ва кўнжма талаб этилади. Бу ўринда Олимжон Бўриев таржимани аслидан бажарганини алоҳида таъкидлашни истардим. **Омон МУСАЕВ, Тошкент Ислам университети катта ўқитувчиси.**



КИТОБХОН ИЗЛАГАН АСАР

Озарбайжон элчихонаси қошидаги Озарбайжон маданият марказида Шарқнинг ўрта асрлардаги йирик шоири Низомий Ганжавийнинг "Сирлар хазинаси" дoston таржимасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Шарқнинг улуг алломаси адабиётга ўзининг халқ озғани ҳоқиди ва ёзма тарихий манбаларини асос қилиб, ҳаётий йўналишни олиб кира олди. Таъбирда профессор ва талабарлар, сенат аъзолари ва асарини ўзбек тилига ўгирган таржимон Олимжон Бўриев иштирок этди. Биринчи марта шеърий дostonни ўқиб чиққананда жуда ҳайратландим, - деди Олимжон Бўриев. - У кенг қамровлилиги ва бетакорлиги билан ўзига жалб этади. Китобни ўқиган ҳар бир мухлис асардан кўп нарсаларни ўрганган. Мумтоз адабиёт асарининг ўзбек тилидаги янги наشري қизиқувчи китобхонлар ва турли ўқув юртлири кутубхоналари учун муносиб совға бўлди. **Наргис ҲАСАНОВА.**



МИШЕЛЬ БАЧЕЛЕТ - ЧИЛИ ПРЕЗИДЕНТИ

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларда келтирилишича, Чилида ўтказилган президент сайловининг иккинчи турда Мишель Бачелет ғолиб чиқди. 93 фоиз сайлов ҳисоблачиларидан овозлар ҳисоблачиларидан, Бачелетнинг 62,26 фоиз овоз олгани маълум бўлди. Унинг рақибаси бўлган "Чили иттифоқи" ҳукмдор консерватив бирлашмаси вакили Эвелин Маттеини 37,73 фоиз сайловчи кўллаб, овоз берган. Эвелин ушбу маълумотлардан сўнг ўз маълумотларини тан олди. Президент сайловининг биринчи тури 17 ноябрда бўлиб ўтган эди. Ушунда 9 номзоддан бирор нафари 50 фоиздан кўп овоз ололмаганди. Шу боис Бачелет 47 фоиз, Маттеи 25 фоиз овоз билан иккинчи турда иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритишганди. Иккинчи турда ҳам биринчисидеги сингари кўп сайловчи қатнашмади. Уртамеёна социалист Бачелет президент лавозимига ўтиргач, дастлабки юз кунда 50 та иқтисодий ислохот ўтказиб ўтган эди. Ушунда 9 номзоддан бирор нафари 50 фоиздан кўп овоз ололмаганди. Шу боис Бачелет 47 фоиз, Маттеи 25 фоиз овоз билан иккинчи турда иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритишганди. Иккинчи турда ҳам биринчисидеги сингари кўп сайловчи қатнашмади. Уртамеёна социалист Бачелет президент лавозимига ўтиргач, дастлабки юз кунда 50 та иқтисодий ислохот ўтказиб ўтган эди.

зишни ваъда қилди. У корхоналар олаётган фойда солигини 20 фоиздан 25 фоизга кўтариш, шунингдек, олий таълимни аста-секин бепул қилиш каби ислохотларга алоҳида урғу берганини таъкидлади Reuters агентлиги. 2006-2010 йилларда ҳам Чили президенти лавозимда ишлаган Бачелет 2014 йил март ойидан яна президентлик вазифасини бажаришга киришадди.



ЭНДИ УЧУВЧИСИЗ САМОЛЁТЛАР УЧМАЙДИ

Ўтган яқшанба кунини Яман парламенти мамлакат ҳудудидан учувчисиз самолётлардан фойдаланишни тақиқловчи қонун қабул қилди, дея хабар тарқатди AFP агентлиги. Учувчисиз самолётларнинг Ямандаги барча ҳаракатларига Марказий разведка бошқармаси (МРБ) раҳбарлик қилади. Маълумки, МРБ "Ал-Қоида" аъзоларига қарши жиддий кураш олиб борапти. Бирок, Яман парламенти қабул қилган қонунга АҚШ қандай муносабатда бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмапти. Депутатларнинг шундай

қонун қабул қилишларига учувчисиз самолёт иштирокида содир этилган наватдаги қонли воқеа сабаб бўлди. Ушбу самолёт Радаа шаҳридаги объектга зарба бергани оқибатида қандамда 17 киши қурбон бўлди. Холбуки, улар тўй тантаналарида қатнашаётган тинч аҳоли вакиллари эди. Тўғри, қидирувда бўлган бир неча террорчи ҳам йўқ қилинди.

ШАҲЗОДА ГАРРИ ЖАНУБИЙ ПОЛЮСДАН ҚАЙТИ

Шаҳзода Гаррининг Жанубий полюсга юриши нихоёсига етди. Ушбу гуруҳ 13 декабрь кунини ўзи белгилган сўнги нуқтагача етиб борганини маълум қилди BBC News. Саёҳат уч ҳафтага яқин давом этди. 200 милага яқин йўл давомиди ҳар бир иштирокчи вазни 70 килограмм бўлган чанани сураб борди. Гарри эса ушбу тадбирнинг ҳимийси сифатида қатнашди. Гарри 2011 йилда ҳам шундай экспедицияда иштирок этганди. Ушунда гуруҳ Шимолий полюсга йўл олган эди. Бирок, юришни муддатидан илгари тўхатишга тўғри келганди. Чунки, Британия қироллиги аъзоси вакили Гарри Лондонга қайтиб, акаси (укаси) шаҳзода Уильямнинг никоҳ тўйида қатнашди.



МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ЖАВОҲИРОТ

Британия монархи Эдуард VIII ва унинг америкалик рафиқаси Уоллис Симпсонга тегишли бўлган қимматбаҳо жавоҳирлар 620 минг фунт (1 миллион АҚШ долларига яқин) нархда сотилгани ҳақида хабар тарқатди Reuters агентлиги. Сотиб олгани ошкор қилинмади. Эдуард VIII 1936 йилнинг январидан 42 ёшида тахтга ўтирган эди. Уша йилнинг декабрига келиб, бу қандай бедодлик бўлди? Бор умрини, бутун борлигини эри ва оиласига бағишлаган аёлнинг кўзи тириклигидаёқ, ўрнига бошқа танхамар оилаш қандай қилишга сиради, бу қандай бедодлик бўлди? Мен шундай аёлнинг қандай бўлишига ҳайратланганман. Бошқа бир сўз ҳам демай ўрнимдан туриб кетдим. **Ҳолида ЭГАМБЕРДИЕВА.**

нашиши лозим бўлиб қолган эди. монарх бу пайтгача икки марта эрга тегиб чиқишга улгурган америкалик Уоллис Симпсонга уйланишга қарор қилганди. Эдуард 1972 йилда, Симпсон эса 1986 йилда вафот этишди.

ҚОРА ЎЛАТ ҚУРБОНЛАРИ

Мадагаскар ҳукумати оролда қора ўлат тарқалгани сабабли қандамда 20 киши ҳалок бўлганини маълум қилди. Қурбонларнинг ҳаммаси битта қишлоқ фуқаролари. Полиция маҳкамасида таъкидлаганларига кўра, қишлоқ олисда жойлашгани учун ўлатнинг олдини олишга улгурилмади. Хозир яна 20 киши шу жойда қора ўлатни оқтирганиликда таҳмин қилиниб, даволанмоқда. Вахолонки, ВВСнинг таъкидлашича, халқаро Қизил Хоч қўмитаси октябрь ойидаёқ ушбу ўлат тарқалиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирган эди. Умуман, Мадагаскар турли ўлатлар тез-тез тарқалиб турадиган ҳудуд ҳисобланади. Жумладан, бир йилда Интернет хабарлари асосида тайёрланди.




ҚАДРОН ВАТАНИМ!

Ўзбекистон Қуролли Кучлари давлат музейида Конституция кунини муносабати билан график-рассом Фатхулла Ҳайтовнинг шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди. "Қадрон Ватаним!" деб номланган кўргазмага ижодкорнинг 26 та иши киритилди. Унинг асарларидаги манзаралар ҳаётдан олинган. - Рассмларим билан Россия, Германия, Испания, Мўғулистон, Болтиқ бўйи давлатларини кезиб чиқишга муваффақ бўлганман, - деди ижодкор. **Кобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

Эҳ, сиз, одамлар

Орамизда шундай одамлар бор-ки, уларнинг мардлиги, олижаноблиги, инсонийлиги олдида бош эгдирлади. Яна шундайлар ҳам борки, уларнинг бемехрлиги, золимлиги, инсоний ҳислатлардан йироқлигидан ҳаяжнат нафратланади. Зеро, Алишер Навоий айтганларидек: "Одам борки, одамларнинг нақшидор, одам борки, ҳайвон ундан яхшидур"... Яқинда бир дугонамдан ошитган воқеа менга жуда қаттиқ таъсир қилди. - Ушунда туман марказий поликлиникасига тиббий кўриқдан ўтиш учун боргандим, - дея ҳикоя қилади дугонам. - Шифокор қабулига навбатда турганимда, бир одам мени кузатаётганини сездим. У индамай келиб ёнимга ўтирди. Ҳайрон бўлиб қарадим: кўзлари қизарган, гамгин эди. - Салом, яхшимисиз, сиз ҳам кўрикка келдингизми? - деди. - Ҳа. Сизга нимма бўлди, тобингиз йўқми? - Йўқ, соғлимни яхши. Лекин хотинимнинг анча мазаси йўқ. Биласизми, уни қаратмаган жойим қолмади. Вилоятга йўлланма беришганди, у ерда ҳам анча даволанди, қанча азоб чекиди шўрлик. Лекин бугенга сабр қиласиз деб, у ердан қайтаришди, умри жуда оз қолганмиш...

нингиз яхши бўлиб қолар... Фарзандларингиз борми? - Ҳа, етти ёшли қизчам бор, қирқ ёшдаман, кеч оила қурганман. Хотиним эса, ўзини олтида... Бечора қизалоқ. Онасининг дарди қанчалик оғир эканини у ҳали тушунамасам ҳам керак. Ондади. 8 ойдан бери на кундузи, на кечаси ҳаловатим бор. Мен ҳам инсонман ахир! Хотиним вафот этдиган бўлса, ёлғиз ўтмайман-ку?! Ўлганнинг орқасидан бир ҳам кетмаймиз, ҳаёт давом этади-ку?! Унинг охирига гапларидан лолу ҳайрон, қараётган бўлиб қолдим. Бо-яги ачиниб, ҳамдардлик ҳисси ўрнига қалбимда нафрат уйғонди. Аччиқ гаплар билан бир уялтирай дедим-у, аммо бундай бадбахтларга гап уқтириб бўлармиди... Сўқабос эрақ бўлса



си оламдан ўтса, унинг холи не кечади? Ишқилиб, бахтига онаси соғайиб кетсин... - Узингиз неча ёшдасиз, оилангиз борми? - тўсатдан берилган саволдан хаёлларим тарқаб кетди. - Ҳа, оилалиман, икки-та фарзандим бор, - дедим. Бирданга унинг авзойи узғарди. - Шунанга денг... Мен эса сизни турмушга чиқмаган деб ўйлабман, - деди. - Нима десам экан... Шў биронга бева, эри йўқ аёл билан ҳозирдан танишим яхшироқмикан... Хотинимни шунча қаратдим, қанча маблагим кет-

ҳам майли эди, хотини ҳали тирик-ку! Азоб чекиб, ўлим билан олишиб ётибди бечора... Шунанга ҳам виждонсизлик бўладими, нахотки шу қадр тубанликка борса одамзот?! Бор умрини, бутун борлигини эри ва оиласига бағишлаган аёлнинг кўзи тириклигидаёқ, ўрнига бошқа танхамар оилаш қандай қилишга сиради, бу қандай бедодлик бўлди? Мен шундай аёлнинг қандай бўлишига ҳайратланганман. Бошқа бир сўз ҳам демай ўрнимдан туриб кетдим. **Ҳолида ЭГАМБЕРДИЕВА.**

Билиб қўйган яхши

Яна сабзи ҳақида

Халқ таъбаотида сабзи уруғи қуқуни ёки сувли давламаси гижжа ҳайдовчи восита сифатида ҳамда ич кетилишида қўлланлади. Шунингдек, сабзидан тайёрланган шарбат иштаҳани яхшилайди, тишларни мустаҳкамлайди, танани турли инфекцияларга қарши чинқиртиради. Асаб ва кўрши қобилиятини мустаҳкамлаш учун ҳам кўрши бир станкандан сабзи шарбати ичиш фойдалидир. Бу курсни бир йилда икки марта такрорлаш лозим. Давомийлиги 1 ой.

Ҳаёт сабоқлари

Уни танийман. Ҳар кўрганимда, ҳазин ва ранглар юзлари, мунгли кўзлари, қийнала-қийнала айтаётган сўзлари ниманидир ҳикоя қилаётгандек гўё. Қалб кўзларим билан бу синоатни англаб, унинг ўқисқ дилидаги изтиробларни қоғозга тушира бошладим. Дераза тағида ўтирибман. Ташқарида куз шамоли дарахт баргларини узиб, узоқ-узоқларга олиб кетади. Кўёш булутлар орасидан хира нур сочади. Кўчада болаларнинг қийқириги эшитилди. Бир тўп болақай мактабдан қайтапти. Уларнинг шодлиги нафақат ичларига, хатто кенг кўчага ҳам сиймайди. Болаларга ҳавасим келди. Улардай ўйнаб-қулмаганим, болалик гаштини сурмаганимни эслаб, дилимда бир нарсаси "чирс" эгандек бўлди. Нимадир бўғизимга тикилди, кўзимга ёш келди. Шу пайт эшик очилиб, онамининг шарпаси кўринди: - И-е, йилгалаксанми? - Йўқ, ўзим... шундай... Онам ёнимга чўқди, юпатган бўлди:

БЕШИККЕРТТИ

табибларга кўрсатишди. Аммо, оёқларимни ишлатиш ҳеч кимнинг қўлидан келмади. Эсимни танигач, оиламиздаги гап-сўзлардан ўзимни ноқулай сеза бошладим. Дадам қўлига ичиб келар, онамни ногирон бола тўққанликда айблаб, ҳақорат қилар, калтаклаб, аламини оларди. Онажоним эса юмуш йилгаб: "Яқин қариндошлар турмуш қурмасликларига керак экан", дерди. Дадам билан олимнинг оналари туғишган опа-сингиллар бўлиб, дадам уч, олим 1 ёшга тўлганди, улфат божалар уларни "бешиккертти" қилиб қўйишибди. Хуллас, тўй бўлиб, бир йилдан сўнг мен туғилибман. Ойим меннинг ташвишларим билан бўлиб, институлда сиртки ўқишини, мактабдаги ишини ташлабди. Ичкиликка берилган дадам мени ва онамни ташлаб, бошқа аёлга ўйланиб кетибди... Ҳаёл билан бўлиб, онамининг оғушида эканимни унутмаёзиман.

Рассом хандаси



- Зўр бўлсанг, яна ку-кулаб кўрчи?! caricatura.ru

TOHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA Muassis: Toshkent viloyati hokimligi Bo'sh muharrir Ubaydulla ABDUSHOHIDOV Manzilimiz: 100000, Toshkent shahri, Ma'buotichilar k'uchasi, 32. e-mail: th.tp@mail.ru Telefonlar: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (faks). Qabulxona: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (faks). B'ulim muharrirlari va muhbirlar: 233-12-83, 233-48-08. Shartnoma va e'lonlar: 233-56-03, 233-65-59. X'isob-kitob b'ulimi: 233-54-10. Toshkent viloyati Matbuot va a'xborot bo'shqarmasida 2011 yil 12 yanvarda 03-001 raqami bilan ruyxatga olingan. Gazeta «Toshkent haqiqati» ta'xiriyati kompyuter markazida teriladi va sa'xifalandi. Navbatchi muharrir Say'ra RIXSIEVA Navbatchi Bekzod X'IDJOYTOV Sa'xifalovchi To'xir MA'XMUDX'UJAEV Haftaning chorshanba va shanba kunlari chikadi. Buyurtma J 8749. Adadi 6909. Baxosi keliyilgan narxda X'ajmi - 2 tabok, ofset usulida bosildi, qog'oz bichimi A-2. ISSN 2010-9318.

Белгилли материаллар - тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 19.30.